# Гулдан атир соғинмаверади

Назм, наср, маданият, тарих

Сиз севган санъаткор

## «ЗАРАНГ КОСА»ДАГИ КЕЛИН

### ёки актриса Ҳакима Отахонова билан суҳбат

*«Аёл нега кулади?*
*Аёл нега йиглайди?*
*Аёл нима учун мақталади?*
*Аёл нима учун ҳақоратланади?*
*Аёл нима учун аёл дейилади?*
*Ҳамма–ҳамма жавобларнинг сийқаси чиққан.*
*Аёл учун буюк сўз қолмаган дунёда.*
*Буюк сўз учун Аёл қолмаган дунёда.»*

«Зарант коса»даги келин, сен ҳақингда кашфиётим ҳам, ташвиқотим ҳам шу.

Келин, сен аёл эмассан, ўз қайнонангни ҳақоратлайсан. Келин, сен аёл эмассан, ўз болангни меҳр–оқибат дарёсидан олиб, жаҳолат кўлмагига улоқтирасан. Келин, (мен сенинг исминг нелигини аллақачон эсимдан чиқарганман. Сен учун энг катта жазо дея қабул этдим буни, исмингни айтмай) сени дунёнинг кўр кўзлари кўрмади. Келин, сени дунёнинг очиқ кўзлари кўрди. Сени жазолади. Ҳали ақлга кирмаган (сенинг таъбирингча) ўглинг сен учун ёғочдан коса ясади.

* * *

«Заранг коса»даги келин билан суҳбатлашиш учун уни жуда кўп ахтардим. Театрда уни кўрсатишди. Заҳар ўрнига юзига табассум ёйилиб турган аёл у эканлигига шубҳа туғилди. Сўрасам, «ўша–мен», деди. Деворда унинг сурати илиғлиқ, остида «Ҳакима Отахонова» деган ёзув бор. Унинг ўша келин эканлигига ўзимни ишонтиришга ҳаракат қилдим. Ва ишонтирдим.

— *«Заранг коса»дан кейин сиз ҳақингизда ёмон фикр уйғонганди.*

— Мен ҳақимда эмас, ўша келин ҳақида бўлса керак.

— *Ҳаётда ижобий, саҳнада салбий рол ўйнаш қийиндир–а?*

— Йўқ, аксинча, мен ижобий ролларни ўйнашда қийналаман. Биласизми, ижобий ролда ҳатто қадам босишингиз ҳам кузатилади.

— *Актёр учун нима қадрли?*

— Кўнгли тўлиб яратган образлари.

— *Энг яхши яратган образларингиз?*

Кўзини бир нуқтага қадаб туради.

— Айтолмайман. Тўғриси, ўзингизнинг камчилигингизни ҳеч қачон кўра олмайсиз. Бу ҳақда



томошабиндан сўраган маъқул.

— *«Оталар сўзи»га қандай кириб келгансиз?*

Беғуборлик билан кулади.

— Эшикни очиб, аста мўралаб. Дастлаб оммавий саҳналарда қатнашдим. Мираббос ака Мирзааҳмедов мен ижро этаётган ролларни кузатиб юраркан. Шундан кейин мени асосий ролларда ўйнашга таклиф этдилар. Шундай қилиб телевиденияда ҳам ижодим бошланди.

— *У ерда ишлаш осонми ёки театрда?*

— Халқимизда гап бор–ку: «Ҳар ерни қилма орзу, ҳар ерда бордур тошу тарози», — деган.

— *Ҳакима опа, умуман, битта рол устида қанча ишлайсиз?*

— Баъзан бир кун, баъзида йиллаб.

— *Нима учун?*

— Ролнинг руҳиятингизга тушишига боғлиқ.

— *Ижро этадиган ролларингизни ўзингиз танлайсизми?*

— Йўқ. Рол танлаш режиссёрга боғлиқ.

— *Ҳакима опа, барибир, санъаткорларга яхшда.*

— Нима яхши, йиллаб эзилиб ижод этишими?

— *Барибир, бир кун шу ижоднинг самараси бўлади. Актёрни халқ севади.*

Ҳакима опанинг ҳозиргина асабийлашган юзида табассум ўйнади.

— Ҳа, тўғри, аммо бу актёрнинг «мазза»си эмас, бахти.

— *Демак, актриса сифатида армонингиз йўқ.*

— Сиз мени тўғри тушунмадингиз. Бахтли бўлганларнинг ҳам армони бўлади. Масалан, мен аёл сифатида бахтлиман, аммо санъаткор сифатида... буюк армоним бор. «Бобур» видеофильмидаги Моҳимбегим образини яратиш... Шу фильм режиссёри Мақсуд ака Юнусов бу ролга мени 32 та актриса ичидан танлаб олган эдилар. Аммо суратга олиш бошланишига 3 кун қолганида тўсатдан отам вафот этиб қолдилар...

Узоқ сукунат орага ўз пардасини ташлайди. Ҳакима опа ўз хаёллари билан банд. Унга тикиламан. У билан учрашмасимдан олдин туғилган саволларимга жавоб топаман.

*Аёл юрагида АРМОН борлиги учун йиглайди!*

*Аёл юрагида МЕҲР борлиги учун кулади!*

*Аёл юрагида САДОҚАТ борлиги учун мақталади!*

*Аёл юрагида ХИЁНАТ борлиги учун ҳақоратланади!*

Унинг хаёлларини парчалаб савол бераман.

— *Ҳакима опа, аёл учун нима қийин?*

— Ижодкор бўлиш.

— *Нима осон?*

— Ижодкор бўлиш.

— *Икки саволимга ҳам бир хил жавоб?..*

— Чунки аёлнинг фожиаси ҳам, бахти ҳам ижодкорлигида!

— *Кўпинча актриса аёлларнинг оиласи ҳақида турли миш–мишлар юради...*

— Худога шукр, 2 қиз, 2 ўғлим бор. Турмуш ўртоғим шоир ва драматург Тўра Мирзо ака. Ижодкор бўлганимиз учун бир–биримизга ёрдам беришга, тушунишга ҳаракат қиламиз. Ҳаётда нимаки қилсам, оиламга суяниб иш қиламан.

Ҳакима опа билан суҳбатимиз узоқ давом этарди. Аммо вақтимиз зиқроқ. У саҳнага чиқмоғи, мен таҳририятга қайтмоғим керак.

Суҳбатимизни қоғозга кўчирар эканман, жавоб топа олмаган саволимга жавоб топгандек бўламан: «Аёл покизалиги учун Аёл дейилади. Дунёда сўз туғилади буюк аёл учун шунда».

Лайло КАРИМОВА,
«Туркистон» мухбири

«Туркистон» газетасининг 70 йиллиги олдидан

## УЧ АЛЛОМА — УЧ ДЎСТ

«Бу уч буюк ёзувчи, улуғ шоирлар маслаҳатлашиб, атайин фотостудияга боришиб суратга тушган эмаслар. Бундай қилишга уларда вақт ҳам етишмас эди. Булардаги ҳар бир дақиқа ҳисоби билан турар, бу нарса фақат фойдали ишларга сарфланарди. Агар гапимга ишонсангиз, 20– ва 30–йилларда яшаб ижод этган деярли кўпчилик шоир, ёзувчи, журналист, олим ва педагогда бемақсад юриш деган нарса бўлмаган. Улар дақиқаларни тиллага алмаштирмайдиган инсонлар эди...» деб гувоҳлик берганида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, улуғ педагог, ҳозирда 87 ёшни уриб қўйган Шокир Сулаймоннинг рафиқаси Зайнаб Мирсалимова минг бора ҳақ эди.

Шундан бўлса керак, кўриб турганингиз суратдаги инсонлар суратхонага атайин бориб тасвирга тушмаганлар. Бу ноёб ва тарихий сурат 1929 йили «Қизил қалам» таъсис йиғилишидан бир эсдалик сифатида олиниб, бу нарса «Маориф ва ўқитувчи»нинг 10–сонида чоп этилган эди.



СУРАТДА: ўнгдан чапга, биринчи Чўлпон — атоқли шоир ва драматург, иккинчи Шокир Сулаймон — улкан шоир, ёзувчи, педагог, учинчи Боту — йирик шоир, жумҳурият маорифининг катта раҳбари ва ташкилотчиларидан бири.

*Нашрга тайёрловчи*
*Ҳайдарали УЗОҚОВ.*

Шеърият

## ХАЁЛ СУРГАНМИСИЗ ЁЛҒИЗ ЎЗИНГИЗ?

***

Замин туйди куз соғинчини,
Дарахтларда заъфарон либос.
Турналар йўқотди тинчини,
Мезон янглиғ кўкдан инар сас.

Ҳорғин қадам ташлар қари от,
Кипригида йилларнинг гарди.
Чавандозни қийнай бошлар бод,
Ҳавонинг авзойи ўзгарди.

Саркаш дарё Норазмсой[1] ҳам,
Ажаб ўхшар қуйилган қизга.
Мирза малим айтгандек: «Одам
Сувдек сокин тортади кузда».

Йўл таноби тортилиб борар
Поёнига етади нигоҳ.
Баҳоргача ўртада қиш бор...
Керак эмас ортиқча изоҳ.



1 Муаллиф қишлоғидаги сойнинг номи.

### ТУН ШЕЪРИ

Ярим тун.
Сукунат чўмган хонада,
Хаёл сурганмисиз ёлғиз ўзингиз?
Дунё сирли кўринади яна-да,
Кашфиёт туюлар ҳар бир сўзингиз.
Ўзинг англамаган сеҳрли кучдан,
Қалбингда туясан ғалати исён.
Ўрнингдан туриб кетасан қувончдан,
Бақиргинг келади тўхта эй, инсон!
Ғубори артилган ойна сингари
Тиниқ торта бошлар паришон хаёл.
Руҳингга бўй сочар умид гуллари,
Қаламинг излашга тушасан дарҳол.
Ҳамма нарса гўдак кулгуси каби,
Ширин туюлади, майин, осуда.
Ўжар мисраларнинг дардли-азоби,
Қайгадир чекинар бу кеча-тунда...

### БУЮКЛИК

Сен осмон!
Уйнинг деразаси эмас.
Отилган кесакдан кетмассан синиб,
Сен осмон!
Маломат тошлари етмас,
Ва қулаб тушмассан кўзларинг тиниб.
Сен осмон!
Ўтинчим, осмон бўлиб қол,
Ҳеч ким чаплай олмас бетингга қора.
Осмоним буюксан шаксиз.
Ҳайратдан тилларим қовушмас сўзга,
Қайдан ҳам тушунсин ҳиссиз, юраксиз,
Шўрлик ерда ўрмалаган қумурсқа.

Очил ТОҲИРОВ.

Хуш хабар

## МУҲАББАТ ЭЪТИРОФДАН БОШЛАНАДИ

Бултур, куз оёқлаётган пайт эди. Бир неча турк адиблари диёримизга келди. Уларнинг мақсади — Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳини тавоф этиш экан.

Бир ҳафта ичида улар Самарқанду Бухорода бўлишди, Имом ал–Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳларини тавоф этишди. Қайтишда Оқтош шаҳрида бўлган ёшлар билан учрашувда шоир ва олим Ҳасан Ўзбой сўз олиб, шундай деди:

— Сирдарёнинг кўпригидан ўтгач, йўлнинг ўнг тарафидаги «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат!» деган битикка кўзим тушди. Ўшанда мен «Бу даъват нимага асосланган экан?» деб ўйлаган эдим. Кўрдим, буюк аждодларга буюк эҳтиром кўрсатибсизлар! Кўрдим, оталар юртига буюк бир муҳаббат билан қурилиш қилаётирсиз! Кўрдим, ниятлар–да чўнг, қилинаётган ишлар–да чўнг! Бугун имоним комил: Ўзбекистоннинг келажаги эмас, эртаси–да буюк, бугуни–да буюк...

Янги йил арафасида хушхабар келди: Ҳасан Ўзбой халқимизнинг эрку истиқлоли йўлида жон фидо қилган буюк шоир Абдулҳамид Чўлпон шеърларини туркчага таржима қилибди, наинки таржима қилибди, балки «Турк маданияти тадқиқоти институти» томонидан «Чўлпоннинг шеърлари» деган ном остида алоҳида китоб ҳолида нашр этибди ҳам. Ва ҳурмат билан ушбу китобга у шундай бағишлов битибди: *«Бу китобни 1929–1938 йиллар орасида шаҳид этилган минглабча туркистонлик зиёлиларнинг руҳи ва бугунги мустақил Ўзбекистоннинг буюк келажагига бағишлайман».*

Зеро, муҳаббат эътирофдан бошланади.

Янги йил ҳикояси

Абдуқаюм ЙЎЛДОШ

## КЎЗЛАРИМ ЙЎЛИНГДА

*НОВЕЛЛА*

БОШЛАРНИ ширингина айлантириб қўйган гуржи мусалласидай ёқимли Янги йил оқшоми эди.

Ташқарида гупиллаб қор ёғарди.

Хона кенг эди, на хуш, кўнгиллар ундан–да кенг эди; шундоқ тепамиздаги қандилдан ҳам, бурчакдаги овозсиз ойнаи жаҳондан ҳам зангори ёғду қуйиларди; тўкин дастурхон ўртасида шохларига осилган шишалари майин жиринглаб айланаётган арча ранго–ранг кўзчаларини шодон қисиб қўярди.

Ўтаётган йилнинг мубҳам ғуссаси кираётган йилнинг илиқ ҳаяжонига изсиз қоришиб улгурган эди. Сархушликнинг ҳам шундай палласига етган эдикки, бундан буёғига нўш этилган шароб ҳузур келтиролмаслигини илғаб турардик. Энди тўлиққан кўнгиллар гурунг чоғиридан сипқорарди. Тугуни ешилган тиллар сайрарди, бири–биридан ўткир, бири–биридан завқли жумлалар оппоқ қор янглиғ тинмай ёғиларди–да, кўзларни чароқлатиб, табассумлар улашиб, ёноқларни ловуллатиб, эриб кетарди.

Мўъжаз даврамизда назмга мойиллик бор эди. Камина ҳам анча машаққатлардан сўнг «Икки ёним икки жуфт–у, ўртада ёлғиз ўзим, ёлғизлашиб қолдим, ёҳу, қулламас ҳеч ким сўзим» тарзида шеър битиб ҳам чекимга тушган шартни адо этдим, ҳам олқишларга сазовор бўлдим. Чиндан–да, ўнг ёнимда дўстим Аҳмадбой (биз уни Бэй деб атардик) маликаи лобари Лобарниса ила, чап ёнимда эса дўстим Раҳмонбой маликаи асиласи Асилахон ила яйраб ўтиришар, камина шаҳри Тошкандан йўл босиб келган қўноқ сифатида тўрни забт этган эсам–да, надоматлар бўлғайким, ёлғиз эдим. Ва ҳар галгидек, суққабошлигим боис, икки тарафдан пайдар–пай отилаётган пахтавон ўқлардан ҳимояланиш–у, вақти–вақти билан муносиб жавоб қайтариб туриш бир ўзимнинг зиммамда эди. «Эй, худо, — лов–лов ёнаётган атлас кўйлакда ловуллабгина ўтирган Лобарниса шўх чақнаб кетган кўзларини кўкка тикиб илтижо қиларди, — ҳеч бўлмаса мана шу Янги йилда сафимизга яна битта янги киши келиб қўшилсин!» «Ҳа–ҳа–ҳа,» — дердим мен гап билан чимдиб.

Сўнг ўзимизнинг «лотерея» ўйинимизга қайтдик. Бунда ҳар биримиз кўзларимизни юмиб олганча Бэйнинг туркча қалпоғидан шарт битилган қоғозлардан бирини олардик. Бир зум тинмаётган қаҳқаҳа бўрони остида Раҳмон лампочкага севги изҳор қилди. Асила японча ашула айтиб берди, Лобарниса хўроз бўлиб қичқирди, Бэй иккинчи овқатни тайёрлайдиган бўлди, менга эса Қорбобо бўлиб қўшниларни табриклаб келиш шарти тушди.

Табриклаш бўлса табриклаш–да, Қорбобо бўлса, Қорбобо–да. Либосларни келтиринг!

ЛОБАРНИНГ ОППОҚ пўстинини, Раҳмоннинг оқ қалпоғини кийдим, аёллар кўмагида юзимга пахтадан соқол–мўйлов ёпиштирдим, қўлимга асо тутиб, халтачага дастурхондаги мева–чевалар, пишириқлардан солдим–да, «ҳайё–ҳуйт» дея сафарга отландим.

«Сафар»им узоққа чўзилмади. Раҳмон биринчи қаватга тушиб, кўп болали қўшнисини қутлаб чиқишимни маслаҳат бергач, ошхонага, Бэйга кўмак бергани ошиқди. Асила эса шундоқ қарши эшикдаги қўшниникига кириб қўя қолишим маъқуллигини исботлаб берди. Эшикдан мўралашиб, қиқирлаб кулишаётган икки жувонга кўрсаткич бармоғимни ўқталиб пўписа қилдим–да, йўлакнинг нариги тарафидаги кўм–кўк эшикнинг тугмачасини босдим.

Эшикка қулоқ тутиб, яқинлашиб келаётган қадам сасларини эшитгач, ҳассани ерга икки–уч бор қаттиқ урдим–у, йўғон овозда:

— Сизларни Янги йил билан қутлагани тоғлар ошиб, боғлар ошиб, ўрмонлар оралаб, йўл юриб, йўл юрсаям мўл юриб Қорбобо келди! — дедим қироат билан.

Эшик очилиб, оппоқ ҳарир либос кийган, чамаси йигирма ёшлардаги қиз кўринди. Унинг менга ҳайратланиб қараётганини кўргач, ўз таъсиримдан мамнун бўлган аҳволда:

— Мана, Қорқизни ҳам топдим, — дедим кўтаринки руҳда. — Ассалому алайкум.

— Вой, кечирасиз, — дув қизариб кетди қиз шошиб ўзини четга оларкан. — Ассалому алайкум. Киринг, киринг, Қорбобо.

Шиппагимни йўлакда қолдириб, ичкарига кирдим. Амал–тақал қилиб ёпиштирилган соқол–мўйлову қошларимни кўчган ўрнига босиш билан андармон бўлиб остонада пойабзаллар бор–йўқлигига ҳам эътибор бермаган эканман, шунинг учун қиз кўрсатган хонага «Ассалому алайкум» дея кириб бордиму, «Янги йилингиз билан!» дея айтмоқчи бўлган табригим бўғзимда қолди. Меҳмонхонада ҳеч ким йўқ эди. Ўртада мўъжазгина дастурхон безатилган, хонтахта атрофига товланиб турувчи атлас кўрпачалар тўшалган, болишлар қўйилган, лекин хонада тирик жон йўқ эди.

— Ўтинг, тўрга ўтинг, Қорбобо, — таклиф қилди ортимдан кирган мезбон.

— Янги йилингиз муборак бўлсин, қизим, — дедим ажабланганимни билдирмасликка уриниб бека томон ўгириларканман. — Манави арзимас совғаларни сизга олис–олислардан олиб келдим.

Ҳалтамдан майда–чуйдаларни олиб дастурхоннинг чеккароғига тўка бошладим. Гап йўқ, дастурхон дид билан безатилган, пишириқлару мевалардан тортиб шампан виносининг шиёринигача бор эди.

Халтам бўшади. Мен қаддимни тикладим.

— Сизга катта раҳмат, Қорбобожон, — деди жилмайиб турган бека. — Мени жуда–жуда хурсанд қилдингиз.

— Вазифамиз шу, — дедим кўзлари порлаётган сулув мезбонни бу гал «қизим» деб аташга тилим бормай.

— Илоё умрингиздан барака топинг.

— Раҳмат, кўп яшанг.

— Қани, тўрга ўтинг.

— Эй, қўйинг, шу ерам бўлаверади.

— Ўтинг, бобожон, ўтинг.

Қиз нон ушатди, мева–чевали ликопчаларни менга яқинроқ сурди.

— Марҳамат, олинг.

— Қўноқлар энди келадими дейман? — деб сўрадим нондан тотинарканман.

— Кеп қолишар, бобожон, — жилмайиб жавоб берди қиз.

«Келишмайди, — деган ўй ўтди кўнглимдан негадир қизнинг тиниқ нигоҳларидан кўзларимни олиб қочарканман, — Янги йил киришига ярим соат қолганда ким ҳам келарди».

Мезбон мени яна дастурхонга ундади, сўнг эътирозларимга қарамай, ошхонага ўтиб, бир ликопчада буғи чиқиб турган манти олиб кирди.

— Энди... очмайсизми, бобожон? — кулимсиради бека.

— Э–э, кечирасиз...

Соқолим билан олишишни бас қилиб, тиқинини пақиллатиб отганча ширин шампан виносини очдим.

МЕҲМОН СИФАТИДА дастлабки қадаҳ сўзини ўзим айтдим.

— Кириб келаётган Янги йилингиз муборак бўлсин. У сизга бахт келтирсин... Хў–ўш, кутган меҳмонларингиз Янги йил киргунча етиб келишсину, Сиз байрамни ўшалар билан кутиб олинг.

— Сизгаям бахт тилайман...

Самимият — жуда катта куч. Беғубор жилмайиб турган бекага кўз ташларканман, ичимлик таъсирида бошим айланиб, кўнгилда суюлишга андак рағбат уйғонган бўлса–да, бу мутлақо ўринсиз аҳмоқгарчилик эканлигини туйиб, ўзимни жиддий тутишга, енгилгина ҳазил аралашган ақллироқ гаплардан гапиришга уриндим.

— Умуман олганда, сингилим, мен сизга айтсам, файласуфларнинг ёзишларига қараганда, кутиш жараёнининг ўзи кутилган нарсага нисбатан бир неча юз баробар қадрлироқ ва қимматлироқ бўларкан.

— Шундай денг... — Қиз сал жиддий тортди. — Ўша кутиш деганингиз... жуда чўзилиб кетса–чи?

— Ни фарқует!

— Яхши тасалли экан. Бўйинга осиб юрсаям бўлаверади.

Иссиғим чиқиб кетди.

— Э, тасаллингиз нимаси, бу ахир исбот талаб қилмайдиган аксиома–ку!

Қиз маъюс жилмайди.

— Бўлса бордир. Фақат мен... бир умр кутиб... интизор ўтишдан кўра... бир лаҳза бўлсаям бахтиёр яшаш маъқулроқмикин, деган фикрга боргандим. Ўзингиз айтгандай, умуман олганда, одам бахт учун дунёга келмайдими? Тирикликнинг ўзиёқ одамни бахтли яшаш учун курашишга, керак бўлса қурбонликлар беришга... гап–сўзлардан юқорироқ туришга мажбур этмайдими?!

— Сиз эҳтимол ҳақдирсиз. Лекин, афсуски, пешонада бори бўлади...

Хайрият, бека яна очилиб жилмайди.

— Дастурхонга қаранг, бобожон.

— Қарадим, сингилжон, қарадим...

ХУДДИ ШУ АСНО, қиз дудоқларига яна бир дилтортар табассум тошиб чиқаётганда эшик қўнғироғи жиринглаб қолди.

Ранги оппоқ оқариб кетган бека бир ўрнидан қалқди, кейин, жойига ҳолсиз қайтиб ўтираркан, титроқ товушда:

— Илтимос... — дея олди, холос.

Мен учиб бориб эшикни очдим.

Остонада... Раҳмон турарди.

— Э, бу сенмидинг? — дедим ҳафсалам пир бўлиб.

— Пастга тушмаганмидинг? — негадир шивирлаб сўради дўстим.

— Мен...

— Э–ҳей, жигитлар, кутиб қолди–ик.

Бу Асиланинг шодумон овози эди. Эшик кесакисини маҳкам чангаллаб олган Раҳмон баайни маст одамдай бир чайқалиб ортига ўгирилди.

— Кетаяпмиз, жоним.

— Мен ҳозир.

Қайтиб хонага кирдим.

Қиз ўша жойда, ўша алфозда, дастурхондан кўз узмай ўтирарди.

— Қўшниларингиз экан. Мени чақириб келишибди.

— ...

Руҳсиз суратдай қотган бекага недир яхши гаплар айттим, кўнглини кўтаргим келди.

— Биласизми...

— Керак эмас... Боринг...

Халтамни қўлимга олдим.

— Хайр бўлмаса.

Қиз ўрнидан турди. Халтамни қўлимдан олиб, дастурхондаги уч–тўрт ликопча ширинликни ичига ағдарди.

— Хайр. Раҳмат сизга, Қорбобо.

— Янги йилингиз муборак бўлсин.

— Сизга ҳам...

***

ОРАДАН БИР ЙИЛГА яқин вақт ўтди.

Худога минг қатла шукр, бу орада ишқ офтоби каминанинг кулбасига ҳам мўралади ва қалбга бир олам қувонч, ҳайрат, ҳаяжон туҳфа этди...

Шундай саодатманд кунларнинг бирида, Янги йил келишига ҳам икки ҳафтача муддат қолганини билиб қолиб дўстим Аҳмадбойга сим қоқдим ва уни оиласи билан меҳмонга чорладим. Гап орасида ниҳоят бу йил ёлғиз бўлмаслигимни қистириб ўтарканман, Раҳмон билан Асилани ҳам ола келишни унутмаслигини таъкидладим. Одатига кўра бақириб–чақириб мени табриклашга тушиб кетган Бэйни тўсатдан ҳиқичоқ тутди. Кейин, гапидан адашиб–янглишиб, пойинтар–сойинтар жумлалардан бир нималарни тушунтиришга уринди.

Хуллас, беш–олти ойдан буён Раҳмоннинг оиласида нотинчлик экан. Яқинда эса у бутун уй–жойи, мошинасини Асилахонга ташлаб, ҳатто жомадонини ҳам олмасдан шаҳарга кетворган эмиш... Овул ҳозир арининг уясидай бўлиб қолибди. «Янги йилгача бирон нима аниқ бўлиб қолса, албатта, қўнғироқ қиламан», — деди Аҳмадбой. Кўнглимда пайдо бўлган бир ожиз гумондан ҳовлиқиб сўрадим: «Раҳмон ким билан кетибди ахир?». «Бегона эмас, қўшниси билан. Эшиги эшигига рўбарў эди. Ҳа, айтгандай, ўтган янги йилда сен у қизнинг уйига Қорбобо бўлиб кирганднинг, шекилли. Балки эсингдадир...»

